Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan № 52 (24972) 2024-yil 27-dekabr, juma

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ “ДАНК” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг Фармони билан Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Ҳайитбоевич Бозоров Қирғизистоннинг “Данк” ордени билан мукофотланди.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азал-азалдан қон-қардош, оға-ини, қуда-анда. Икки давлат ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик-биродарлик ришталари мустаҳкам томир отган. Ўзаро стратегик ҳамкорлар сифатида ҳар томонлама манфаатли алоқалар мавжуд.

Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган давлат мукофотларини тантанали топшириш маросимида қўшни мамлакат раҳбари Садир Жапаров Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлигини қўллаб-қувватлашга қўшган ҳиссаси ҳамда савдо ва иқтисодий масалалардаги улкан хизматлари учун тақдирлаганини айтиб ўтди.

Якунига етаётган 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” унутилмас воқеалар, қувончли ва тарихий аҳамиятга молик янгиликларга бой йил сифатида тарихга муҳрланмоқда. Биз бу йилдан кўп-кўп муваффақиятлар, катта омадлар кутгандик ва уларнинг деярли барчасига эришдик. Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ёруғ юз, янги умид-мақсадлар билан “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”га қадам қўймоқдамиз.

Вилоятимиз ҳаётининг кўзгуси бўлган “Фарғона ҳақиқати” газетаси саҳифаларига нигоҳ ташласак, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда рўй берган воқеликлар кўз ўнгимизда бирма-бир намоён бўлади. Асрга татигулик бу ишларнинг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўлганимиз, жадал суръатлар билан тараққий этаётган юртнинг фарзанди эканимиздан кўксимиз фахр-ифтихорга тўлади.

Президентимиз аҳоли ҳаёти, ҳудудлар ривожи билан яқиндан танишиш мақсадида шу йил 11 июль куни Фарғона вилоятига ташриф буюргани энг ёрқин саҳифалардан бири бўлди. Қувонарлиси шундаки, давлатимиз раҳбарининг самолёти илк бор янгидан очилган Қўқон аэропортига қўнди. Ташриф чоғида Юртбошимиз хорижий инвестициялар ҳисобига бунёд этилган бир қанча корхоналарни ишга туширди ва янги лойиҳаларни бошлашга старт берди. “Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг Қувасой филиали, Ўзбекистон туманида Марказий Осиёда ягона бўлган электр энергиясини сақлаш тизими, Бешариқ туманида қуёш фотоэлектр станцияси ва Риштон туманида биологик парчаланадиган нотўқима мато ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Вилоятимиз туманларида “Янги Ўзбекистон” массивларининг барпо этилаётгани юртимиз кўркига кўрк қўшиб, ҳамюртларимиз турмуш фаровонлиги юксалишини таъминламоқда. Айниқса, Фарғона шаҳрида “Янги Ўзбекистон” массиви – Эко шаҳарнинг барпо этилишини Президентимиз улкан ва тарихий воқеа сифатида эътироф этди. Шунингдек, Марғилон шаҳрида 35 минг аҳоли яшашига мўлжалланган “Янги Ўзбекистон” массивини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят марказида Хитой инвесторлари билан ҳамкорликда уч босқичли 1,5 миллиард АҚШ долларилик тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига йирик автомобилсозлик мажмуасини барпо этишга киришилди.

Тарихга айланаётган йилда мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда ўтказилди. Фарғоналиклар ҳам сайловда фуқаролик бурчини адо этиб, халқ вакиллари номзоди учун фаоллик билан овоз бердилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан бир гуруҳ юртдошларимиз мамлакатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирлангани эса бирчамизга бирдек мамнунлик бахш этди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Марғилон шаҳрида “Атлас байрами”нинг юксак савияда, кўтаринкилик билан ўтгани, унда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюриб, фестивалга юксак баҳо бергани вилоятимиз шарафини яна бир карра кўкларга кўтарди.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошлиқ вилоят делегацияси жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари, жумладан, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Жанубий Корея, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларида бўлиб, истиқболли ҳамкорлик битимлари, ўзаро келишув меморандумлари ва шартномалар тузилгани юртимизга инвестиция оқимининг кўпайишига, янги-янги лойиҳалар ишга туширилишига, вилоятнинг иқтисодий салоҳияти яна ҳам ортишига, минглаб фуқаролар доимий иш билан таъминланишига имконият яратади.

Йил давомида ўнлаб тадбиркорлик субъектлари маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади. Саноат ва ёшлар тадбиркорлик зоналарида бунёдкорлик юмушлари бир зум бўлсин тўхтагани йўқ. Экспортёр корхоналар сони кўпайди ва уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати ортиб, экспорт ҳажми юксалди. Бундай ютуқлар ҳақида газетамизнинг ҳар бир сонида кўплаб хушхабарларни ўқигансиз.

Ҳар йилгидек, жорий йилда ҳам вилоятимиз деҳқонлари, боғбону соҳибкорлари, чорвадорларининг самарали меҳнати туфайли мўл пахта, дон, полиз экинлари ва мева, чорвачилик маҳсулотлари етиштирилиб, хорижга экспорт қилинди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Фарғонада дон ҳосилдорлиги 90 центнерга етгани миришкор фермер хўжаликлари аъзоларининг илмий ва ҳаётий тажрибалари мевасидир.

Вилоятимиз ижтимоий ҳаётида муҳим из қолдирган яна бир тарихий воқеалардан бири мамлакатимиздаги нуроний нашр – “Садои Фарғона” – “Фарғона ҳақиқати” газетаси чиқа бошлаганининг 110 йиллик юбилейи вилоят ва республика журналистларининг, газетхонларнинг байрами сифатида кенг нишонланди. Бир асрдан кўпроқ давр мобайнида халқимизга маънавият ва маърифат улашиб, ютуқ ва муаммолар, камчилик ҳамда нуқсонларини фош этиб келаётган отахон газета фаолиятини вилоятимиз аҳли яхши билади ва қадрлайди.

Президентимизнинг 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилишида катта мақсад ва вазифалар мужассам. Ўзбекистон она табиатини асраб-авайлаш, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий натижаси бўлди.

Юртимизнинг бетакрор, гўзал табиати, зилол ва шифобахш сувлари асрлар давомида инсониятни мафтун этиб келади. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш энергия истеъмолини оқилона ташкил этишга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, табиий экотизимларни асраш, ресурс тежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлашга қулай муҳит яратади.

Мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати авж паллага кирди. Вилоятимизда Янги – 2025 йилнинг баҳор, куз фаслида миллионлаб туп мевали, манзарали ҳамда гул кўчатлари, буталар ўтқазиш, уларни парвариш қилиш устувор вазифамиз бўлиб қолади. Яшил ҳудудларни кенгайтириб, яшил қалқонларни кўпайтириш, экологик тоза энергия, сув ва бошқа табиий ресурсларни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этиш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, табиат неъматларидан баҳраманд бўлиш, келажак авлодларга тоза ва мусаффо табиатни қолдириш имконини беради.

Ўзбекистонда кўплаб қуёш ва шамол электр станциялари қурилмоқда, иқтисодиёт тармоқларида энергия тежамкор технологиялар жорий этилмоқда. Янги йилда бу ишлар жадал давом эттирилади. Зеро, яшил бойликлар – соғлом турмуш, фаровон ҳаёт, экологик хавфсиз иқтисодиёт манбаидир.

“Фарғона ҳақиқати” газетаси таҳририяти барча юртдошларимизни кириб келаётган 2025 йил – “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” билан самимий муборакбод этади, “Яшил макон” умуммиллий дастурини тўла амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларида муваффақиятлар тилайди. Бизнинг Янги йилдан умидимиз катта, шак-шубҳасиз, эзгу мақсадларимизга, албатта, етамиз.

ТАҲРИРИЯТ.

“ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ”ДА БОЛАЖОНЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИЛДИ

Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги театр-концерт саройида "Президент арчаси" байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ота-она қаровисиз қолган, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ходимларининг фарзандлари, шунингдек, оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари бўлган 900 нафардан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Шерзод Полвонов болажонларни байрам билан қутлади. Юртбошимиз томонидан яратилаётган шарт-шароит ва ғамхўрликлар ёш авлоднинг билим олиши, соғлом ривожланиши, жамиятда ўз ўрнини топишида замин бўлаётганини таъкидлади. Ота-онасиз ёки уларнинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга сифатли таълим-тарбия бериш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида вилоятимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтди.

Болажонларга бир олам шодлик улашган байрам дастурида Қорбобо, Қорқиз, Қорбола ва бир қатор эртак қаҳрамонларининг чиқишлари, "Самовий Янги йил" номли театрлаштирилган томошалар намойиш этилди. Жажжи ўғил-қизлар ранго-ранг ўйинчоқларга бурканган арча атрофида қўшиқ куйлаб, рақсга тушдилар.

Тадбир якунида иштирокчиларга 12 турдаги ўқув қуроллари ва 15 турдаги ширинликлардан иборат "Президент совғаси" топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Йилнинг муҳим воқеаси:

“ХИТОЙ – ҚИРҒИЗИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН” темир йўли қурилиши бошланди

Аввал хабар берилганидек, жорий йилнинг 6 июнь куни Пекин шаҳрида "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон" темир йўли қурилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур лойиҳа томонлар ҳукумати даражасида қарийб 20 йилдан бери муҳокама қилинаётган эди. Ва ниҳоят, ҳар томонлама стратегик шериклик доирасидаги темир йўл қурилиши бошланди.

Давоми 2-бетда

Йилнинг муҳим воқеаси:

“ХИТОЙ – ҚИРҒИЗИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН” темир йўли қурилиши бошланди



(Бошланиши 1-бетда).

Бу кун, ҳақиқатан ҳам, Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистон тарихига битиладиган муҳим аҳамиятга эга воқеликдир. Зеро, узоқ давом этган мураккаб музокаралардан сўнг минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик йирик инфратузилма лойиҳаси амалий босқичга ўтди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун уч мамлакат қўшма компания тузишга келишиб олган бўлиб, унда Хитой 51 фоиз, Қирғизистон ва Ўзбекистон 24,5 фоиздан улушга эга. Темир йўл Қашғар – Торугарт – Макмал – Жалолобод – Андижон йўналиши бўйлаб ўтади. Унинг умумий узунлиги тахминан 486 километрни ташкил этади. Линияда 18 та станция, узунлиги 26,1 километрли 81 та катта ва ўрта кўприклар, узунлиги 120,39 километр бўлган 41 та туннел қурилади.

Қурилиши 5 йилга чўзилиши тахмин қилинган темир йўли Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига бўлган йўлни тахминан 900 километр, юк етказиб бериш муддатларини эса 7-8 кеча-кундузга камайтиради. Бу нафақат навбатдаги инфратузилма лойиҳаси, балки иштирокчи давлатлар ва бутун минтақанинг иқтисодий ривожланиши учун янги уфқларни очадиган стратегик қадамдир.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази:

Мутолаа имконияти кенгаймоқда

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази водийнинг энг нуфузли зиё масканларидан бири. Бу даргоҳга илм, маърифат излаб келган инсон борки, китоб мутолааси сеҳри ила маънавий комиллик қаърига ўзини жо этади. Дид билан жиҳозланган, тоза ва озода ўқув заллари, ноодатий услубдаги дизайн, тарих ва замонавийлик уйғунлашган маънавият олами орқали гўё китоблар салтанатига тушиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Дарҳақиқат, ярим асрдан зиёд вақт мобайнида китобхонларга беминнат хизмат қилиб келаётган кутубхона бугун янгича қиёфада. Йилдан-йилга илгарилаб бораётган рақамли давр, ахборот асри мазкур масканни тубдан ислоҳ қилиш, унга замонавийлик касб этишни талаб қилди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ равишда кутубхонада мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилди. Қарийб 11,5 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган лойиҳани амалга ошириш “Мирзасаодат” масъулияти чекланган жамиятининг моҳир қурувчиларига ишониб топширилди.

Кўп ўтмай таъмирлаш ишларидан ташқари “очиқ осмон остида”ги кутубхона бунёд этилди, “Book cafe”, ёзги амфитеатр, медиа зал, ижодкорлар боғи, махсус дам олиш хоналари ташкил этилди, лифт ишга туширилди. Эндиликда китобхонларга нафақат китоб мутолаа қилиш, балки олимлар, ёзувчи ва шоирлар, сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувлар ва дебатлар ўтказиш, маърузалар тинглаш, турли тақдимотларда иштирок этиш имконияти ҳам яратилди.

– Кейинги йилларда ахборот-кутубхона марказида фуқароларнинг кутубхонадан эркин фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мавжуд китоб фондини сақлаш, китоб жамғармасини бойитиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Натижада аҳолининг китобхонликка муносабати ижобий томонга ўзгармоқда, қолаверса, китобнинг обрўси ошмоқда, – дейди марказ директори Ҳусния Шерматова. – Бундан бир йил олдин ҳам энг катта муаммоларимиздан бири китобхонлар сиғимининг озлигида эди. Аввал бир вақтнинг ўзида 200-220 нафар китобсеварларга хизмат кўрсатган бўлсак, эндиликда 500 нафар китобсеварлар учун шароит яратилди. Бир-бирини такрорламайдиган дизайндан тортиб, китобларнинг турли шаклларда жойлашувигача эътибор қаратилди. Бу даргоҳни, том маънода, “келажак кутубхонаси” дейиш мумкин. Чунки, фан ва техника тараққиёти кутубхоналар фаолият йўналишини ўзгартирди. Китобхонларимиз орасида ўқувчи-ёшлар, талабалар, ишчи-хизматчилар, олимлар, ўқитувчилар, шоир ва ёзувчилар, уй бекалари ва меҳнат фахрийларигача бор. Биз уларнинг ҳар бирига эстетик завқ улашиш, мутолаа маданиятини ошириш баробарида, турли инновацион ғояларни тарғиб қиламиз. Китобларни рақамлаштириш, электрон каталогни шакллантириш, тўлиқ матнли маълумотлар базалари яратиш кенгайтирилади. Зарурат бўлса, китобхонларга масофадан хизмат кўрсатилади. Уларга қизиқиши ва сўровлари асосида интернет орқали зарур ахборотлар, электрон шаклдаги адабиётларни етказиб бериш йўлга қўйилади.

Кутубхоначилар тадбирлар ўтказиш, китобхонлар ва китоблар сонини қайд этиш билан чекланиб қолишмайди, уларнинг аудиовизуал ва электрон ҳужжатлар, замонавий техника билан бемалол ишлай олишлари бўйича малакалари оширилмоқда. Биз шундай жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратган ҳолда фаолиятимизни янги даражага олиб чиқяпмиз.

Ҳозирда муассасада китоблар бир неча бўлимларга ажратилган бўлиб, бу қидирган китобни тезда топиш имконини беради. Яна шуниси аҳамиятлики, 3 та ўқув зали, электрон кутубхона бўлими, турли номдаги адабиётлар секторлари, ҳатто болажонлар учун алоҳида хоналар ҳам ташкил этилди. Ушбу майдончада 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун китоблар, уларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш учун жиҳозлар ажратилди.

Китобхонларнинг бир муддат очиқ ҳавода сайр қилиши, кўзига бироз дам бериш учун мўъжазгина “Яшил зона” бунёд этилган бўлиб, маданий ҳордиқ чиқариш имконияти мавжуд.

Ҳа айтгандай, анчадан буён вилоят ахборот-кутубхона марказига қадам ранжида қилмаган бўлсангиз, энди бир ташриф буюринг! Кутубхона эшиклари китобхонлар учун доимо очиқ.

Муаттар МАҲМУДОВА.

ГАЗЕТАСИ ИЖОДКОРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ УЗУМЧИЛИГИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ ЯРАТДИ

Буюк ипак йўлидаги Шинжон ҳали очилмаган не-не сиру синоатларга бой. Улардан бири Турфон шаҳри, унинг тарихи ва деҳқончиликда эришаётган мўъжизавий натижаларидир.

Журналист Муҳаммаджон Обидов ўзининг “Шинжон: Турфон мўъжизалари” ҳужжатли-публицистик фильмини яратибди. Унда биз учун ҳам олис, ҳам яқин бўлган Шинжондаги узумчилик тарихи ва уни ривожлантириш тенденциялари ҳақида ҳикоя қилинади. Лекин мен ушбу фильмда биз ҳаётда кўпам эътибор беравермайдиган оддий одамларнинг ҳаёти, ўй-ташвишлари ва турмуш тарзини кўрдим.

Турфон Ер юзидаги денгиз сатҳидан энг чуқур бўлган макондир ва шунинг учун у ҳудуд ҳамиша иссиқ. Натижада бу ерда сув танқис. Минг йилларгирки, аҳоли истеъмоли ва деҳқончилик учун Тяньшан тоғларидан оқиб тушаётган сув ирмоқларини ўзлари кавлаб очган ер ости ариқлари орқали Турфонга олиб келдилар. Бирин-кетин алмашган тасвирларда тоғлардан оқиб тушган жилғалар ер ости ариқлари орқали дала-боғларга келтирилаётгани акс эттирилган. Шу сув билан 40 минг гектардан ортиқ плантацияларда узум етиштирилади. Унинг 95 фоизи дунёга машҳур майизга айланади.

Фильмда документалистика ва публицистика элементлари жуда кўп. Ижодкор Турфон мўъжизаларини бирин-кетин далиллар акс этган кадрларда таҳлил қилади. Шу замин одамлари билан бўлган суҳбат, интервьюларда инсонлар қалбини, орзу-умидлари, ҳаётий қарашларини ишонарли тарзда очиб беришга муваффақ бўлган.

Ўзбек журналисти Турфонда яшайдиган замондошларимиздан бирининг хонадонига кириб боради. Уй эгаси билан содда, самимий суҳбат қуради. Қизиқ-да, инсон қаерда яшамасин, у меҳнат қилади ва ана шу саъй-ҳаракати орқали ҳаёти ва турмушини безайди, умрини янада мазмунли қилади.

Устоз журналист Муҳаммаджон Обидов ҳикоя қилар экан, “Шинжондаги бугун ўсаётган узумларнинг аждоди эҳтимол ўзимизнинг Фарғонадан бўлса керак” деган ҳақли гипотезани илгари суради.

Шу ўринда мухбирнинг сўз бойлигидан ташқари, фильмнинг умумий қурилиши, унинг таркибий қисмларида яққол кўзга ташланадиган уникал тасвирларни ҳам қайд этиш ўринли.

“Шинжон: Турфон мўъжизалари” фильми тақдимотида иштирок этган профессор Хуршид Дўстмуҳаммад, академик Неъматилло Иброҳимов, “Ўзбеккино” раиси Шуҳрат Ризаев, профессор Шерзод Қудратхўжа, шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари ва бошқалар фильм Ўзбекистон – Хитой муносабатларида очилган янги саҳифа бўлганлигини айтиб ўтдилар. Улар таъкидлашдики, айни пайтда халқ дипломатияси, оммавий ахборот воситалари орқали ахборот алмашинув ва шу каби фильмлар одамлар бир-бирини англаши учун ғоят муҳим воситадир.

– Фильм биз учун Янги йил арафасидаги қувончли воқеа бўлди, у Ўзбекистон ва Хитой давлатлари раҳбарлари қабул қилган икки мамлакат муносабатларининг стратегик шериклик мақомининг амалий натижаларидан бири дейиш мумкин, – деди тақдимотда иштирок этган Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь. – “Фарғона ҳақиқати” газетаси, журналист Муҳаммаджон Обидов нафақат Ўзбекистонда, балки Хитойда ҳам таниқли. Газета Хитойнинг камбағалликдан чиқариш тажрибаси ҳақида мақолалар танловини юксак даражада ўтказгани бизга маълум эди. Мана энди у икки мамлакат халқлари муносабатларини мустаҳкамлашга чорловчи ажойиб фильмни совға қилди.

Дарвоқе, “Шинжон: Турфон мўъжизалари” фильми қайсидир таниқли студияларда эмас, балки “Фарғона ҳақиқати” газетаси қошидаги муаллиф ва бошловчи Муҳаммаджон Обидов бошчилигида таҳририят маблағига “Кўнгил” ижодий гуруҳи томонидан яратилган.

Тасвирчи Элёр Олимов учун бу биринчи йирик киноасар бўлса-да, воқеликнинг киши пайқамас нуқталарини топа олган ва тасмага муҳрлаган. У объектлар ва айрим деталларни гоҳ қуш учадиган баландликдан туриб, гоҳ балиқ сузадиган сув остидан тавсирга шундай ракурсда кўрсатадики, сиз ана шу кадрларни томоша қилаётиб, бир-икки сония ҳайратдан нафасингиз тўхтаб қолганини сезмайсиз ҳам. Ўзи асл тележурналистиканинг сеҳри, оҳанрабоси ҳам шу бўлса керак.

Мазкур фильм премьераси айнан журналистика университетида бўлиб ўтгани бежиз эмас. Чунки у бўлғуси журналистлар, ёш медиатадқиқотчилар учун ажойиб маҳорат дарси бўлди.

Фильм муаллифи, устоз журналист Муҳаммаджон Обидовни янги ижодий асар билан чин қалбдан табриклайман.

Беруний ОЛИМОВ, филология фанлари доктори.

“ШИНЖОН: ТУРФОН МЎЪЖИЗАЛАРИ” фильми кириб келаётган 2025 йилнинг илк кунлари мамлакат телеканаллари орқали намойиш этилади.

ЗАЪФАРОН – дунёдаги энг қиммат ва ноёб зиравор

Заъфарон – қўлланилиш соҳаларининг кўплиги, етиштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблиги, соғлиқ учун фойдали хусусиятлари ҳамда қиймати юқорилиги нуқтаи назардан "қизил олтин" дея эътироф этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган заъфарон плантацияси нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида яхлит ҳудудда жойлашган энг йирик плантация ҳисобланиб, қадр-қиммати ва юқори сифати билан ўз ўрнини эгаллаган. Хусусан, Жиззах вилоятида жойлашган плантацияларда етиштирилаётган заъфарон асосида BMB HOLDING ташаббуси билан "BMB Za'faron" бренди яратилиб, ҳозирги кунда мазкур бренд остида 20 га яқин заъфаронли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига амалга оширган ташрифи давомида заъфарон плантацияларининг умумий ер майдонини 2 минг гектарга етказиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Жумладан, Бахмал, Ғаллаорол ва Зомин туманларида қўшимча 1,6 минг гектарда заъфарон плантацияларини ташкил этиш белгиланди.

Заъфарон плантацияларини кенгайтириш, қуритиш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳасининг умумий қиймати 120 миллион еврони ташкил этади. Жумладан,

— 70 миллион евро тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

— 37 миллион евро ўз маблағи

— 13 миллион евро кредит маблағлари

FIN. OPERA SRL

Ўтган давр мобайнида мазкур лойиҳа доирасида 60,8 миллион евро инвестициялар ўзлаштирилиб, қарийб 120 та доимий ва 40 мингта мавсумий иш ўринлари яратилган.

Маълумот ўрнида, "BMB Za'faron" бренди остидаги маҳсулот Европанинг Италия, Франция, Нидерландия ҳамда Корея лабораторияларида икки босқичли чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилган бўлиб, ISO 3632-1/2011 халқаро стандартлари асосида ранг, ҳид ва таъм кўрсаткичлари бўйича I-категория сифат даражаси сертификатига эга бўлди.

Шу билан бирга, Control Union Certifications (Нидерландия) ташкилоти мутахассислари томонидан заъфарон плантациясида маҳсулотни экиш, етиштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш, териб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш жараёнлари тўлиқ ўрганилиб, "BMB Za'faron"га USDA ORGANIC сертификати тақдим қилинди. Қолаверса, бир неча йиллик чуқур ва таҳлилий текширувлардан кейин Ўзбекистон ва Хитой идоралараро комиссияси хулосасига кўра, ўзбек заъфаронини Хитойга экспорт қилиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлди. Бу орқали дунёнинг энг йирик бозори ҳам ўзбек "қизил олтин"и учун ўз эшикларини очди. Ўтиб бораётган 2024 йилда 12 миллион евролик маҳсулот экспорт қилинди.

Шунингдек, Италияда ташкил этилган қўшма корхона томонидан "ORO ROSSO Milano" бренди остида 20 дан ортиқ заъфаронли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, Европа ва Америка бозорларига экспорт қилинмоқда.

Жорий йилнинг 8 октябрь куни Жиззах вилоятининг Бахмал туманида жойлашган заъфарон плантацияларини кенгайтириш, қуритиш ва қайта ишлаш корхонаси очилди.

Заъфарон туганакпиёзбошларини 2024 йилги экиш мавсуми жорий йилнинг 20 сентябрида бошланиб, плантацияларнинг умумий майдони 700 гектарга етказилади.

Шу билан бир қаторда, мазкур йилда заъфарон майдонларида "ноу-хао" сифатида польшалик мутахассислар билан ҳамкорликда AgroNanoGel гидрогель маҳсулоти қўллай бошланди. Гидрогель ўсимликлар учун сув захираси ҳисобланади. Унинг қўлланилиши бутун вегетация даврида ўсимликлар учун оптимал сув шароитларини таъминлайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалигида гидрогелнинг қўлланилиши 40-45 фоизгача сувни тежаш имкониятини беради. Ушбу маҳсулот синов якунига кўра оммалаштирилади, қолаверса, заъфарон ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларида сув сарфини сезиларли даражада камайтиради.

Сўнгги йилларда муҳтарам Президентимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар, хусусан, Жиззах вилоятига ташрифлари давомида берилган кўрсатмаларининг ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Келгусида булар ўз мевасини бериб, халқимизнинг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлигига катта ҳисса қўшишига хизмат қилади.

Бекзод МАМАТҚУЛОВ,
BMB HOLDING бошқарув кенгаши раиси.

Азиз фарғоналиклар! Сизларни
BMB HOLDING
жамоаси номидан кириб келаётган
Янги 2025 йил
билан муборакбод этамиз. Сизларга, оила аъзоларингизга соғлик-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга қут-барака тилаймиз.
ЗАЪФАРОН ҲАМИША ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!
Алоқа учун телефон: (97) 332-55-88.
info.bmbmedia@gmail.com
Хизматлар лицензияланган.
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

ҚАДРЛИ ЭНЕРГЕТИКЛАР, АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятли ва қадрлидир. Айни пайтда юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларда, Ватанимизнинг равнақ топишида биз энергетикларнинг ҳам ҳиссалари катта.

Корхонамиз муқобил энергия ишлаб чиқарувчи йирик таъминотчига ҳам айланиб бораётгани қувончлидир. 2023-2024 йилларда 2 гектар майдонда 3 минг кВт соат электр ишлаб чиқарувчи қуёш электростанцияси ишга туширилган эди. Келгусида унинг ҳажми яна оширилади. Яъни, 2025 йилда қуввати 20 МВтли, ишлаш фойдали коэффициенти 44-45 фоиз бўлган қуёш электр станцияси ўрнатиш режалаштирилган. Асосий мақсадимиз электр энергия ишлаб чиқариш барқарорлигига эришишдир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, шу жумладан, соҳа ходимларини корхонамиз жамоаси номидан Янги йил билан самимий табриклаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилайман!

Азиз ҳамкасблар, Сизлар мардонавор меҳнатингиз билан корхонамиз, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳиссаларингизни қўшиб келмоқдасизлар. Қолаверса, якунига етиб бораётган 2024 йилни кузатар эканмиз, йил мобайнида Сизларнинг фидокорона хизмат қилганликларингизни алоҳида эътироф этиб ўтмоқчиман. Ишонаманки, янги – 2025 йилда ҳам ҳаммамиз ҳамкорликда олдимизга қўйилган вазифаларни шараф билан бажарамиз.

Барчангизни кириб келаётган Янги йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Янги йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Эркинжон ҲАМИДОВ,
"ИЭС" АЖ "Фарғона ИЭМ" филиали директори.

Бугунги кунда "Фарғона Иссиқлик энергия маркази" таъминот тизими ҳар соатда 50 минг кВт электр қуввати етказиб бермоқда. Унинг 20 мингги газ трубинаси орқали бўлса, 30 минг кВт соати буғ трубинасида ишлаб чиқариляпти. Эндиликда учинчи сонли янги труба генератори ўрнатиш ҳаракатидамиз. Бу 2025 – 2026 йилларга мўлжалланган. У фойдаланишга топширилгач, ишлаб чиқарилаётган электр энергияси соатига 100 минг кВтга ошади.

Оғриқларимиз

"Ҳа энди..."

Замон зайли ва давр даврони шиддат билан бормоқда. Биз орқада қолмаяпмизми? Кун ўтди, иш битди қабилига ўтиб қолмаяпмизми? Ёшингизни яшаб, ошингизни ошаб бўлдик, деб осонгина қўл қовуштириб: "Ҳа, энди..." дея бир чеккага ўтиб олмаяпмизми?

Ҳаётда томошабин бўлиб қолмаяпмизми?

Шунчаки яшаб, шунчаки ишламаяпмизми?

Булар Сизга, бизга ва уйғоқ қалбларга берилган саволлар, десак маъзур тутинг, азиз замондошим!

"Ҳа, энди..." дейишдан йироқ бўлинг!

Курашинг, интилинг! Ҳаёт ва фаолиятда энг тадбиркор, энг ишбилармон иштирокчи бўлинг! Малака, тажриба ўрганинг, ўргатинг, билганларингизни қолдиринг.

Вақт бор деб, алданиб қолманг. Вақтнинг ўзи билан, ўтиши билан иши йўқ. Умр дафтари, умр сарҳисоби деган муҳим жиҳат бор.

Ахир келгуси авлодлар учун Сиз билан биздан нимадир, нималардир қолсин-да?!

***

Бир куни БОЙЛИК, ИЛМ ва ОҚИБАТ учрашиб қолишибди.

Бойлик айтибди:

– Агар мен йўқолиб қолсам, хазинада бўламан.

Илм айтибди:

– Агар мен йўқолиб қолсам, китобларда бўламан.

Шунда жим ўтирган ОҚИБАТга қараб:

– Сен йўқолсанг, қаердан топамиз, – деб сўрашганда, у шундай жавоб қилибди:

– Мени йўқотиб қўйсаларинг, ҳеч қаердан тополмайсизлар...

***

Умр нега қирқилади?

Ўтаётган умр ҳеч қачон қайтиб келмайди. Бундай имконият бошқа берилмайди.

...Гина,

...ёқтирмаслик,

...ҳасад,

...адоват...

Бу каби иллатлар билан қисқагина умрингизни беҳуда совуриб юборманг. Киришимлик ва самимий табассум ҳаётдаги шиорингиз бўлсин!

Америкалик файласуф Генри Форд фикрларига жиддий эътибор беринг: "Ўрганишдан тўхтаган инсон қарийди. Фарқи йигирмадами ёки саксондами... Ўрганишда давом этаётган ҳар қандай инсон эса ёшлигини сақлаб қолади.

Ҳаётда энг асосийси – ОНГ ёшлигини сақлаб қолишда".

"Ҳа, энди..." деманг, шу сўз, фикр хаёлингиздан ўтмасин. Чунки, Сиз бир марта дунёга келгансиз, кейин қайтиб келмайсиз.

Водилнинг 9 яшарлик қизи, 4-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Холмуҳаммадова Ўктамхон Жамшидбек қизи БААнинг Дубай шаҳрида ўтказилган ментал арифметика бўйича халқаро танловда фахрли биринчи ўринни эгаллади. Азиз юртдошим, қадрли замондошим, бу оддий бир хабар ёки ахборот эмас, балки бу Фарғона тумани обрў-ҳурмати, мавқеи, шаъни, таълим соҳасидаги оламга машҳур сенсациядир!

Ўктамхон жаҳонда овоза бўлди. Бу – 36 мингдан зиёд туман ўқувчилари учун математика ва арифметика фанлари, инглиз ва рус тиллари билимдони ибрат, намуна, ўқишга, фанга меҳру муҳаббат тимсоли.

Боғча, мактаб, олийгоҳ, илмий масканларга шунчаки бориб, шунчаки қатнашиб келишни – "Шу ўқишда", "Ҳа, энди... боряпмиз-келяпмиз, синфдан-синфга кўчяпмиз...", "Мактабни қачон битирамиз" – деб ёшликни, олтин даврни қадрига етмай ўтказаётганлар бор, топилади. Ҳафсала, сабот, интилиш, кураш, ёниш ҳақида уларга сўзлаш бефойда.

Бокс бўйича 2024 йилги Жаҳон чемпионатида биринчи маротаба Фарғона туманидан чиққан чемпион, Лоғон фарзанди Лазизбек Муллажонов фарғоналикларнинг, Ўзбекистоннинг бахти, иқболи.

Кези келганда ёддан чиқмасин, ВАҚТ ҳақида бир фикрни ўқиб қолдим. "ВАҚТ ҳаммага текинга бериладиган бебаҳо неъмат эканлиги учун ҳам унинг қадрига етмаймиз". Доно фикр. Агар у тилло-ю олтинга, машиналарга ўхшаб сотилганда эди, билмадим... Билим, тафаккур ва тўғри тушунча бўлмаган ибодатда хайр бўлмайди, деганлар ҳам ҳақ.

Азизлар, тилимиз яхши гапларни гапиришдан, қулоқларимиз эса уларни тинглашдан чарчамасин!

***

"Дунё саҳнаси" – ижтимоий тармоқларда ўзини кўрсатиш, дабдаба, бемаза-бетайин, бетамиз-бетаъсир томошалар кўрсатишни тарғиб қиляпти. Биргина тўйларни олайлик. Ҳатто, юксак мартабали айрим бойваччалар қилаётган тўйнинг етти иқлимга овоза қилиниши, бу – кибр, манманлик, "Сендан мен зўрман!", дейишдан бошқа нарса эмас!

Шаҳарларни-ку билмадим, ҳатто қишлоқларда ҳам бу ҳол тарки одатга айланаётганидан ҳайронсан. "Шолини курмак босяпти-куя!", биз бепарвомиз.

Ахир, тўй қилишдан мақсад фарзандларимизга, набираларимизга бахт, омад, камол, иқбол тилаш эмасми?! Тўй – қорин тўйдириш, бўкиб ейиш эмас-ку?!

"Ҳа, энди... атиги 30-40 миллион пул кетса кетар, обрў-эътибор кетмасин!", деб қарз кўтариб тўй қилаётганлар кўпайиб бормоқда. Ҳозир ҳеч ким бир бурда нонни, қаттиқ нонни чойга увитиб нонушта, тушлик қилмайди. Тўкин-сочинлик, серобгарчилик. Шукронасини қилиб яшасак, бас!

***

Саёҳатлар инсон умрини узайтиради. Бу ҳадисларда ҳам зикр этилган. Сиз кўз очган дунё кенг, поёнсиз. Дунё кезган одамни дунёқараши ҳам кенг ва маъноли бўлади. Об-ҳаво, иқлим алмашади. Сайру томошалар одам кўнглини кўтаради, енгил қилади, айниқса, соғлиққа фойдаси кўп. Ҳар қандай таранглашган асабни жойига келтиради. Дори ва уколларга зеб бераверманг!

Баъзида ўзингизга ўзингиз савол беринг:

– Қачон театрга кирдим?

– Қачон музейга бордим?

– Қачон сиҳатгоҳда дам олдим?

– Қачон фарзанд ва набираларимни истироҳат ёки ҳайвонот боғига олиб бордим?

"Ҳа, энди...", "Борамиз, албатта борамиз!..", "Уй-жойни қуриб олайлик", "Ўғилни уйлаб олсак", "Тўйдан кейин-да..." – дея сабаблар билан ўзимизни оқлаб, қимматли вақт, даврларни ўтказиб юборяпмиз. Айримларимиз эса уйни қаср қилиб, ялт-юлт мебеллар билан тўлдириб, шоҳона тўйлар қилиб юраверамиз...

"Ҳа, энди...", "Мунча маддоҳлик қилаверманг", "Насиҳат қилиб бошимни қотирманг", "Доҳийлик қилманг" – дегувчилар ҳам кўп. Айтаверсак, ёзаверсак, жар солаверсак – кимдир олиб қолади, кимдир амал қилади, деймиз-да!

Собир ДАДАХЎЖАЕВ.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

Ҳурматли фарғоналиклар, азиз ватандошлар ва касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилиб келаётган ҳамкасбларимизни остонада турган

Янги – 2025 йил

билан муборакбод этади!

Биз Юртбошимиз бошчилигида ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк вазифани стратегик мақсад қилиб қўйдик. Ҳеч шубҳасиз, "Инсон қадри учун" ғоясини умуммиллий ҳаракатга, юртимизни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касаба уюшмалари фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгаши бундан буён ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ижтимоий шериклик имкониятларини янада кенгайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга оид ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Халқ хизматига камарбаста бўлиш, унинг фаровонлиги ва тараққиёти йўлида бир тану бир жон бўлиш ҳар бир касаба уюшмаси аъзосининг эзгу мақсадидир.

Сизларни яна бир бор Янги йил –

"АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА "ЯШИЛ" ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ"

билан самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, масъулиятли ва олижаноб ишларингизда янги-янги ютуқлар тилаймиз. Хонадонларингиздан ҳеч қачон тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахт ва омад аримасин!

"ФАРҒОНА ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АЖ

Барча ўзбекистонликларни, шу жумладан, Фарғона вилояти аҳолисини, энергетика тизимида фаолият юритиб келаётган ходимларни ва меҳнат фахрийларини

ЯНГИ — 2025 ЙИЛ

билан самимий табриклайди.

Кириб келаётган Янги йилни Президентимиз томонидан "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" деб эълон қилинганини халқимиз катта мамнуният билан кутиб олди. Ҳақиқатан ҳам, бу ташаббус Янги Ўзбекистонда она табиатни асраб-авайлаш, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Теварак-атрофимизда яшил ҳудудлар кенгайиб, яшил қалқонлар кўпайиши она табиатимизни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг 2019-2030 йилларда "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини рўёбга чиқариш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Эътиборлиси, энергетикларнинг касбий маҳорати ва машаққатли меҳнатлари билан юртдошларимизнинг уйлари чароғон, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий объектлар барқарор ишлаб турибди. Энергия ресурслари узлуксизлигини таъминлаш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга имкон бермоқда. Мамлакатимиз сўнгги йилларда барча соҳалар қатори, энергетика тизимида ҳам истиқболли лойиҳалар, самарали ислоҳотлар ва катта имкониятлар юрти сифатида ўз нуфузини мустаҳкамламоқда.

2025 йил энергетика соҳасида ҳам қутлуғ келиши, муваффақиятларга бой бўлишига шак-шубҳа йўқ. Кириб келаётган Янги йил мустақил мамлакатимизга, барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин! Сизларга энг эзгу, энг олижаноб тилакларни билдириш билан бирга, Ватанимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз турмуши доимо фаровон бўлишини тилаймиз.

Янги йилингиз муборак бўлсин!

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: _____.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Алишер Розиқов.

Газета жума куни чиқади. Адади: 1552 нусха. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.

Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.

ISSN: 2010-8370